



# ТАБРИКНОМА

## АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ТАБРИГИ

download from website [http:// www.andijan.uz](http://www.andijan.uz)

Андижон вилояти ҳокимлиги

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг  
23 йиллигига бағишлаб 2015 йил  
2 декабрь куни ўтказиладиган тантанали йиғилишни  
ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ**

**Ассалому алайкум, қадрли юртдошлар !**

**Ҳурматли Улуғбек Убайдуллаевич!**

**Азиз дўстлар!**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунга 23 йил тўляпти. Мустақил Ўзбекистонимиз тарихида муҳим аҳамиятга молик сиёсий воқеа бўлган бу қутлуғ байрамни халқимиз йигирма учинчи марта нишонламоқда.

Бугунги байрам тантанаси муносабати билан Сизларни ва Сизлар орқали вилоятимиз барча аҳолисини қутлуғ айём билан қизғин табриклашга ва барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, озод Ватанимиз равнақи йўлидаги улуғвор ишларингизда ҳамиша омад ёр бўлишини тилашга руҳсат бергайсизлар.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳбарлигида шу ва бошқа байрамларимизни юксак кўтаринкилик ва баланд руҳ билан узоқ йиллар давомида шундай тинч ва осойишта ҳаёт бағрида нишонлаш ҳаммамизга, бутун халқимизга насиб этаверсин.

**Азиз ҳамюртлар!**

Дунё тараққиётига ўзларининг зукко ақл-идроклари билан муносиб ҳисса қўшган улуғ бобокалонларимиз туғилган шу муқаддас заминимизда яшовчи ҳар бир инсон бугун Конституциямизнинг ҳаётбахш таъсирига, ундаги инсонпарварлик, адолат, эркинлик ва тенг ҳуқуқлилик ғоялари кундалик турмушимизда рўёбга чиқаётганига гувоҳ бўлмоқда.

Муҳтарам Юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган Конституциямизда инсон ҳуқуқлари, ҳақчил демократия ва ижтимоий адолат тамойиллари ўзининг кенг ифодасини топиб, у инсонпарвар ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш учун мустаҳкам пойдевор бўлди.

Конституциямизда акс этган ҳуқуқ ва бурчларига садоқатли ҳамюртларимиз унда илгари сурилган Мустақиллик ғояларига суюнган ҳолда бир ёқадан бош

чиқариб, Ватанимиз гуллаб-яшнаши йўлида йил сайин астойдил, фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Мамлакатимизнинг ҳар томонлама ривожланиб, барча соҳаларда мисли кўрилмаган ўзгаришлар, ютуқлар қўлга киритилаётгани ана шу аҳиллик билан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар самараси, албатта.

Ўз навбатида ҳар йили Конституция байрамида Юртбошимиз томонидан келгуси йилнинг асосий шиори кўтарилиши ва ана шу асосда янги-янги улуғвор мақсадларга йўл очилаётганини халқимиз қўллаб-қувватламоқда.

Амалдаги йилимиз юртимизда “Кексаларни эъзозлаш” йили сифатида муносиб ўрин олганлигига ҳаммамиз гувоҳимиз. Халқимиз тарихида қадим замонлардан нуроний отахон ва онахонларимиз доимо иззатда бўлиб келганлар. Бу халқимиз қалбига она сути билан кирган улуғ қадрият ҳисобланиб келинган.

Бутун дунёда таҳликали халокатлар узлуксиз юз бераётган ва бугунги кунда “Оммавий маданият”нинг таъсирида ёшлар онгига атайлаб бепарволик, эътиборсизлик иллатлари сингдирилаётган ҳозирги даврда “Кексаларни эъзозлаш йили” орқали миллий кадриятларимизнинг қадри ва қиммати янада оширилиши мамлакатимизнинг ўтган бир йиллик ҳаётида муҳим ўрин эгаллади.

Шуни алоҳида фахр билан таъкидлаб ўтмоқчиманки, Мухтарам Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов “Кексаларни эъзозлаш йили”да бутун мамлакатимиз нуронийларга бўлган юксак ҳурмат ва эҳтироми сифатида азиз ҳамюртимиз, кўпчиликнинг ҳурмат ва эътиборига сазовор бўлган Топволдиев Таваккал Темировични Ўзбекистон Қаҳрамони деган юксак унвонга лойиқ топгани биз андижонликларга алоҳида меҳру муҳаббатлари натижасидир.

Ўтган даврда биргина вилоятимиз шаҳарлар ва туманларида “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурининг амалга оширилиши давомида 230 млрд сўмдан ортиқ ва яқин 2 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ана шу мақсадга йўналтирилди. Давлат ва нодавлат ташкилотлари, тадбиркорлар ҳиммати билан кексалар янада эъзозланиб, тез-тез йўқланиб, жуда катта савобли ишлар рўёбга чиқарилмоқда.

### **Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!**

Халқ фаровонлигини тобора ошириб бориш жамиятимиз сиёсатининг негизини ташкил этади. Вилоятимиз аҳолисининг иш ҳақлари, нафақа пуллари ўз вақтида тўланишига эришилаётгани, қариялар, ногиронларга эътибор ортганлиги ҳам диққатга сазовордир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Конституциямиз берган ҳуқуқ ва имтиёзлардан ҳамиша миннатдор вилоятимиз аҳли ҳам бу улуғ байрамни ҳар қачонгидан ёруғ юз, муносиб совғалар билан кутиб олмақдалар.

Айниқса, вилоятимиз қишлоқ хўжалиги ходимлари барча соҳаларда республикада пешқадам бўлиб мўл ва сифатли маҳсулотлар етиштирдилар.

Халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам вилоятимиз аҳли йилни муносиб яқунлаш учун фидоийлик билан меҳнат қилмоқдалар.

## **Азизлар!**

Конституциямизнинг 23 йиллигига бағишланган ушбу тантанали йиғилишга вилоятимиздан сайланган Олий Мажлис Сенатининг аъзолари, халқ депутатлари вилоят ва шаҳар, туман Кенгашлари депутатлари ҳамда жамоатчилик вакиллари тақлиф этилган.

Шунингдек, ушбу тантанали анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари **Улуғбек Убайдуллаевич Розукулов** иштирок этмоқдалар.

Сизларнинг рухсатингиз билан Конституциямизнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишни “ОЧИҚ” деб эълон қиламан.

*(Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди)*

### **РАИСЛИК ҚИЛУВЧИ:**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллиги муносабати билан маъруза учун сўз **вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Эгамбердиев Музаффар Эминовичга** берилади.

### **РАИСЛИК ҚИЛУВЧИ:**

#### **Ҳурматли дўстлар!**

Мустақилликнинг 24 йиллиги ҳамда ўқитувчилар ва мураббийлар куни байрамлари арафасида халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият кўрсатаётган бир гуруҳ илғорларимиз муҳтарам Президентимизнинг Фармонларига асосан давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлганлар.

Ҳозир **Улуғбек Убайдуллаевич** билан биргаликда Президентимиз номидан ана шу мукофотларни топширамыз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мукофотлаш ҳақидаги Фармонларини вилоят ҳокимининг ўринбосари **Шахзод Ғафурович Турсунов** ўқиб эшиттиради.

*(Мукофотлар топширилгач)*

### **РАИСЛИК ҚИЛУВЧИ:**

Табрик учун сўз Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Розукулов Улуғбек Убайдуллаевичга.

Сўз Балиқчи туманидаги 41 – мактаб ўқитувчиси Маъмурахон Темировага.

Сўз “GM - Ўзбекистон” кўшм корхонаси инженер-технологи Шавкатбек Аъзамовга.

Сўз Андижон давлат университети талабаси Фотимахон Акрамовага

### **РАИСЛИК ҚИЛУВЧИ:**

#### **Қадрли дўстлар!**

Барчангизни умумхалқ байрами - Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллиги билан яна бир бор табриклайман. Сизларга мустаҳкам саломатлик, оилавий бахт-саодат, янгидан-янги ютуқлар ёр бўлсин.

**Эътиборингиз учун раҳмат !**